



Осиё ва Африка III халқаро кинофестивали пойтахтимизда муваффақиятга эришди. Ушбу келган кино намоёндалари бир-бирлари билан учрашиб, ижодий алоқаларини янада мустахкамламоқдалар. Суратда: Арманистонлик кинорежиссёр Э. Кеосаян ва унинг ҳамшахри Л. Георгиев (Ўзбек актрисаси Т. Шокирова (Ўртада) билан суҳбатлашмоқда.

УЧ ИНТЕРВЬЮ



ЭНГ ЕРҚИН ТААССУРОТ Вилфред ТОМАС МЕНДОСА, кинокомпания директори, бошқарувчиси (Хиндустон)

Менда энг ерқин таассурот қолдирган, бутун ҳаёлим ва юрагимни ҳаяжонга солган — Лезид Илчи Брескенинг таъбири бўлди. Яна бир ерқин таассурот «Озолик деб аташ» бу ширин сўз совет фильми. Алоқиб картина.

Мен Тошкентда даҳвол қизин ижодий нишга киришни кетдим. Кинобозор иши билан бандман. Фильмлар курашган. Лекин банд бўлишим туфайли ҳали Тошкент шаҳри билан афродича танишолмаган бўлсам, ҳам, барибир мен унинг ерқин атмосферасини — байрам ва дўстлик нафасини сезиб туришман.

МЕҲМОНДУСТ ШАҲАР Муҳаммад ЛАМЕИ, Бирланган Араб Республикаси депутатининг бошлиғи, кино сотиб олиш комиссиясининг раиси

Ўзбекистонда биринчи бўлиб, унинг юзларидан сирлашмай илҳомимиз йўл, Тошкент кўрамадарида, музейларида, муассасаларида бўлиб, у билан яқиндан танишдик.

Тошкент — 1966 йилдаги эл-элла офатидан кейин Феникс сингари қайта тугилган, замонавий гўзал шаҳар.

Бу ердаги кишилар жуда ҳам қуввоқ, самимий, меҳмондўст экан. Шунинг учун Тошкент халқаро кинофорум ўтказишга жуда боп жой экан, десак янгиланмаймиз. Алоҳида қайд этиш кераки, фестивал ўтказиш аjoyиб даражада ташкил этилган. Фестиваль тинчлик, тараққиёт номи билан бутун планетамиз халқларига самимий меҳнат қилади деган умиддаман.

АЖОНИБ МАКТАБ Али ПАМДЕГА, Чад Республикаси маданият бошқармасининг директори

Мен Тошкент фестивалида иштирок этиш учун юборилган тақлифномани зўр ҳурсандлик билан қабул қилдим. Осиё ва Африка мамлакатлари фестивали киносанъати Чад Республикасининг ёш киношуоли аjoyиб мактабидир.

Ҳозирча бизда бадий фильм ишлангани йўқ. Лекин бир неча ҳужжатли ленталар яратилган. Улардан бири «Чад Республикасининг ташкил топиш» лентасидир. Фильм яратувчиси — ёш режиссёр Сейд Загай.

ИЖОДИЙ АРМУҒОН

Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистонда музика маданияти раънақ топди. Нашрга топширилган «Ўзбекистон музикаси» тарихи ва назарис масалалари» деган тўплам ана шу ютуқлар ҳақида ҳикоя қилади.

Тошкент Давлат консерваторияси музика тарихи ва назарис кафедрасида тайёрланган бу китобга республикамизда музика таълими ривожига доир мақолалар ҳам киритилди. Илмий мақолалар тўплами республикамиз юбилейига кафедранинг олимларининг ижодий армуғонидир.

ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР

Областимиз ва пойтахтимиздаги жуда кўп мактабларнинг пионерлари дўст мамлакатлар пионерлари билан алоқани мустахкамламоқдалар. Пойтахтимиздаги 70-мактаб ўқувчилари чет эллик мактаб ўқувчилари билан хат эзишиб туришбди. Олег Кошевой номли дружина пионерлари Польша, Чехословакия, Бельгиядаги тенгдошлари билан дўстлик алоқаларини урнатибди.

Мактабдаги интернационал дўстлик клуби ҳар бир республикага бағишлаб стендлар ва альбомлар тайёрлашган. Республика-мизнинг олий ўқув юртида таълим олаётган чет эллик студентлар пионерлар ҳузурида бир неча бор меҳмон бўлишган.

Бу йил ўқувчилар Москва, Ульяновск ва Краснодар бўйлаб сайёҳ қилдилар. Энди мактаб ўқувчилари областимизнинг хўшманзара, соя-салқин жойларида ташкил этилган дам олиш уйларида бўлишди. Яқинда мактаб ўқувчилари Хумсон, Октош, Куксу ва бошқа жойлар билан танишдилар.



Мактабларда ҳаяжонли кунлар — имтиҳонлар бошланди. Суратда: пойтахтдаги 132-мактабнинг 10-синф ўқувчилари ишро ёмоқдалар. Б. Мансуров фотоси.

хизмат ёшига тўлган йигитлар жўнашмоқда.

Тошкент шаҳрининг генерал Собир Раҳимов ва Ойтаб районолари, област район ва

тиш билан шугулланмоқдалар. Шуниси эътиборга сазоворки, ҳарбий хизматга қабул бўлиш йигитлар ўртасида коммунистик меҳнат зарбдорлари ва спорт

ОҚ ЙЎЛ, ВАТАН ЎҒЛОНЛАРИ

шаҳарларидаги бошқа ҳарбий комиссариатлар баҳорги қабул мавсумига катта тайёргарлик билан келдилар. Бу муҳим кампания област ва район ҳарбий комиссариатларидан катта ташкилотчилик ишларини амалга оширишни талаб қилади. Улар командалар тузиш, йигитларни ҳарбий қисмларга жўна-

разрядига эга бўлган йигитлар жуда кўп. Бу йигитлар ҳарбий хизматни аъло даражада бажаришлариغا ишончимиз комил. Йўлларда, «Ташметрибор-проект» институтининг инженер-экономисти Баҳром Мўминов ана шуларнинг биридир. Тошкент ёғочсозлик заводининг дурадгори, Хайтхўжа Аҳ-

медов, экскаватор ремонт заво-ди ишчиси Аҳмед Оқмуллаевлар коммунистик меҳнат зарбдори номига ва спорт разрядига эга-дираар.

Б. Мўминов ва Ҳ. Аҳмедов каби ўйлаб йигитларнинг ота-лари Улуғ Ватан урушида қа-нашиб, қаҳрамонларча жанг қилганлар. Йигитлар жўнаш олдида ўтказилган митингга сўзга чиқиб, ҳарбий хизматни ўташ ҳозир йигитларнинг таъ-кидидилар ва барча ватан ўғулларини намунали хизмат қилишга чақирдилар.

Митингга Улуғ Ватан уруши қаҳармони Ҳ. Абдуллаевнинг ўғли Тўлқин Абдуллаев, Р. П. Сухов ва бошқа йигитлар ҳам сўз қилдилар. Улар меҳнат фронтда бўлган сингари ҳар-бий қисмларда ҳам намунали хизмат қилишга, ҳарбий билим ва санъатни пухта эгаллашга, ўз оталари йўлидан бориб, Ва-танга садоқат билан хизмат қи-лишга сўз бердилар.

Иттифоқимизнинг турли ҳар-

бий округларидан келган вакил-лар билан ҳарбий хизматга қа-бул бўлишга ўртасидаги суҳбат-лар низоъда самимий бўлди. Шимолий Кавказ ҳарбий округи вакили майор Ш. С. Авакян айниқса мамну эди.

— Биз Совет Армияси са-фига қабул бўлиш тошкентлик йигитлар билан яқиндан тани-шини ва суҳбатлашшга муяс-сар бўлди, дейди у. — Бу йи-гитларнинг ҳаммаси маълумот-ли, яхши тарбияланган, ўз ва-зифа ва бурчларини чуқур ту-шушган ёшлар эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Тошкен-тин йигитлардан бир гуруҳни-сини ҳарбий округимиз қис-мларида хизмат қилдилар. Биз бундан хурсандимиз.

Тошкентлик йигитлардан ту-зилган командалар воқзал ва аэропортга жўнаб кетадилар. Уларга ота-оналари ва барча ёр-биродарлари оқ йўл тилаб қўймоқдалар.

Б. ШОНАЗАРОВ.

О В У Н Ч О Қ

Биринчи автобус Тошкентга эрта билан соат саккизда жўнаш керак. Халқ вақтим борлиги учун роқзагимга ёнбош-лаб, мизгиб оломочи бўлдим.

Қўям энди иллар-илиммас доира овозидан яна уйғониб кетдим. Рўпарамда доира ча-лаётган бир чол ва унинг чил-дирмасига монана ўйинга ту-шган каттагина айик турар-ди. Айик оғасининг бўйруғи билан тамошабилларга арок-хўрнинг юршиш-ю, дангасанинг ухлангача кулгили бир тар-да кўрсатарди.

Маймоқ артист автобус ку-тувчиларини сира эриктирма-ди. Ниҳоят «репертуар» тугаб, ҳамма тарқалди. Сўнг айиквой-тут дарахт илдинга бошини қўйиб, панжалари билан қўзи-ни фонарь ёруғидан пана қи-либ, уйкуга кетди.

Айикнинг оғаси ҳужуридан термосни ва егулик дастурхо-нини очди. Менга ҳам чой узатди. Суҳбатлашдик. Кария узоқ тоғ кишлоқдан экан. Бу-тун умри тоғларда ўтибди. Езда колхоз қўйларини боққан, кишга овчиллик қилган. Пен-сияда чиққача қалар геологик назорат партияларида йўл бошловчи бўлиб ишлаган экан. Айик уйғониб, бизнинг ёни-мизга келиб ўтирди. Мен ка-риядан айик тўғрисида сўзлаб беришнинг сўрадим. Чол бир-зум ҳайла толиб, ҳикоя қила бошлади.

Чамаси онасики сув оқибди кетган. Айикча ҳали ёш бўлиб, жуда кўриб кетган эди.

Мана етимгани уйга кел-тирдим, эски чопонга ўраб, сўғрида эчки сўти бердим. Барчамиз айикчани севиб қол-дик. Биз унга «Сел» деб исм қўйдик. Бўш пайтларимда у-га бир неча цирк ўйиларини ўргатдим.


Оз фурсат ўтгач бизни кол-хоз бадий ҳавасдорлик груп-пасига тақлиф қилдилар. Кей-ин эса район маданият уйи ар-тистик бонгачасига қабул қи-лишди. Айикчанинг қилдилари бархата маъқул келиб қолди. Энди ҳар пахта терими даври-да район ҳўжаликларига бо-риб колхозчиларга томошалар кўрсатимиз.

«Сел»ни ҳамма ерда яхши кўтиб унга олдиндан ишори-ликлар тайёрлаб қўйишди. Кексасам ҳам кишиларга ке-ракли одам бўлиб қолганимдан ўзим ҳам хурсандман...

Суҳбат билан тонгин отти-дик. Қўйишнинг зарори нурла-ри тарала бошлади.

Суҳбатдошимни олиб кетиш-га колхоз автобуси келди. У мен билан иссиқ хайлашиб кўл силлиб қўйди. Машина ой-насида артист айик ҳам кўл силлирди.

В. УРИЦКИ



ФИНАЛ — МОСКВАДА

Жаҳон чемпионлигига даъво-гар шахматчилар баҳси қизгин паллага кирапти. Яқинда ўт-казилган ярим финал мусобақа-ларида Аватолли Карпов Борис Спасский устидан, Виктор Корчной эса Титран Петросян устидан ғалаба қозониб, фи-налга йўллама олган эдилар.

Мамлакатимизнинг икки куч-ли шахматчиси энди ўзаро уч-рашиб, жаҳон чемпиони Роберт Фишер билан беллашши ҳуқу-қини олиш учун курашадилар. Шахматчиларимизнинг финал учрашувлари 16 сентябрда Москва шаҳрида бошланади.

«УНИВЕРСИТЕТ» СА- ФАРГА ОТЛАНМОҚДА

ТошДУ баскетболчилари «А» класс биринчи лигасида му-ваффақиятли қатнашиб кел-моқдалар. Улар навбатдаги тур учрашувларида Олмаотанинг

«Локомотив» командаси билан беллашиб, кетма-кет иккита ға-лабани кўлга киртидилар.

Командаларнинг биринчи уч-рашувида студентларимиз 93:78 ҳисобида ғолиб чиққан эди. Учрашувнинг иккинчи кунда меҳмонлар мағлубиятдан қуту-лиш учун бор иқомиятларини ишга солишди. Ўйиннинг би-ринчи ярмида ҳатто улар маъ-лум даражада устунликка ҳам эришдилар. Студентлар шу-нда кейин вақтин ганимат би-либ, ташаббуси қўлга оли-лар ва 95:82 ҳисобида муваф-фақият қозондилар.

«Университет» командаси эн-ди сафарга ҳозирланмоқда.

БИЛДИРИШ

Тошкент ишчи-деҳқон мухбир-лари университети тинловчилари-нинг навбатдаги машғулоти 31 кай июма кунин ўтказилади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.



Э. Кеосаян режиссёрлик қилган «Эртақлар унутилган дара» фильмидан бир кўриниш.



Туркменистон киностудияси ишлаб чиқарган «Муқом сирла-ри» фильмидан кадр.



Меҳнат кино намоёндалари фестивалга олиб келган «Бир кишининг уч раҳуви» фильмидан кадр. Л. Глауберзон ва С. Маҳкам фотолари.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского
обкома КП Узбекистана
и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар — 338142,
коммутатор — 330249 дан
330258 гача